

**“Асака” банк
645 - сон билан
рўйхатга олинди**

**“Асака” банк
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2016 йил 10 июндаги
01- сонли Баённомаси билан**

"ТАСДИҚЛАНГАН"

“АСАКА” БАНК БОШҚАРУВИ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا, 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ва “Асака” банк (кейинчалик матн бўйича “Банк”) Устави ва Кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилди.
- 1.2. Ушбу Низом “Асака” банк Бошқаруви (кейинчалик матн бўйича “Банк Бошқаруви”/“Бошқарув”)нинг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш, Бошқарув йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартибини, Бошқарув регламентини, Бошқарув Раисининг ваколатлари, шунингдек, Банк Бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулиятини белгилаб беради.
- 1.3. Банк Бошқаруви Банкнинг коллегиял ижроия орган асосидаги ижро этувчи орган ҳисобланиб, Банкнинг жорий фаолиятини бошқаради ва унинг фаолияти учун жавоб беради, оператив раҳбарликни, Банкнинг мол-мулки ва унинг капиталини тасарруф этишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади. Бошқарув Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши олдида ҳисобдор деб ҳисобланади. Бошқарув фаолиятига Банк Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади.

- 1.4. Ушбу Низомда белгиланмаган бошқа шартлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан тартибга солинади.

2. БОШҚАРУВ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ

- 2.1. Банк Бошқарувининг сон таркиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланадиган тартибда қабул қилинган маъмурий-хўжалик ҳаражатлари сметалари асосида ва доирасида Банк Кенгаши томонидан белгиланади.
- 2.2. Бошқарувни тузиш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Банк Кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.
- 2.3. Бошқарув аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Банк Кенгаши томонидан тайинланади
- 2.4. Банк Бошқаруви Раиси Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шу жумладан, қонунчиликда ўрнатилган тартибда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида сайланади (тайинланади).
- 2.5. Бошқарув Раиси Банк ишларини бошқариш учун зарур малака, ваколатга эга ва тартибли бўлиши ҳамда Банкнинг энг муҳим ходимлари фаолиятини тегишли тарзда назорат қилиши лозим.
- 2.6. Бошқарув Раиси ва Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари лавозимларига номзодлар Банк Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилади.
- 2.7. Бошқарув аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги қарор мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 2.8. Бошқарув аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Банк Кенгаши томонидан алоҳида тартибда амалга оширилади. Бошқарув аъзоларига номзодлар жиноий, маъмурий ва фуқаролик жавобгарлигига тортилган бўлсалар, бу ҳақда Кенгашга хабар беришлари шарт.
Бошқарув таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Банк Кенгаши Раиси меҳнат шартномаси тузиш шартлари, Бошқарув фаолияти учун мукофотлаш миқдори ва номзоднинг розилиги (шахсий аризаси билан тасдиқланган ҳолда) тўғрисида ахборот беради.
- 2.9. Бошқарув аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиган пайтда Банк Кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.
- 2.10. Бошқарувнинг сон таркиби Бошқарув вазифаларини бир ходим томонидан максимал ижро этиш имконияти даражасида бажарилишини инобатга олган ҳолда, бошқарув аппаратини қисқартириш, Банк фаолиятини бошқаришда бир-бирини тақрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва шу билан боғлиқ бошқарув ҳаражатларини қисқартириш тамойилларидан келиб чиқиб белгиланади.
- 2.11. Банк Бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари ва Банк Кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.
- 2.12. Бошқарув аъзолари таркибига Раис ва унинг ўринбосарлари ҳамда Банк бош бухгалтер ва юридик хизмат раҳбари киритилади. Шунингдек Бошқарув таркибига Банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киритилиши мумкин.
- 2.13. Бошқарув Раиси мазкур Низомга мувофиқ Банк фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан Бошқарув таркибига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир.
- 2.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бошқарув Раисини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори қабул қилинганидан сўнг, Банк Бошқарув Раиси билан тегишли лавозим бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан

меҳнат шартномасини Банк номидан Банк Кенгаши Раиси имзолайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосарига номзод тасдиқланганидан кейин, Бошқарув Раиси у билан меҳнат шартномасини имзолайди. Бошқарув Раисининг ўринбосарлари, Бошқарув аъзолари ва Банк бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини Бошқарув Раиси имзолайди. Банк Бошқаруви Раиси билан тузиладиган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинган ҳолда бир йил муддатга тузилади. Мазкур шартномада Бошқарув Раисининг Банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Банкнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Банкнинг Акциядорлари умумий йиғилиши ва Кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши лозим.

- 2.15. Бошқарув Раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари, Банк Устави, уларнинг ҳар бири билан тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланиб, меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинган ҳолда бир йил муддатга тузилади.
- 2.16. Банк Кенгаши томонидан тайинланган Бошқарув аъзоси ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда, унинг вазифалари Бошқарув Раиси қарори билан вақтинча белгиланган шахс томонидан Банк Кенгашининг навбатдаги мажлисигача бўлган давр мобайнида бажарилади.
- 2.17. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Бошқарув Раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Кенгаш қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини Банк Акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.
- 2.18. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Банк Бошқаруви органларида ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмаслар.
- 2.19. Бошқарув аъзоси Банк Уставини, шунингдек меҳнат шартномаси шартларини бузганлиги учун бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномаси бекор қилиниб, эгаллаб турган лавозимидан чақириб олиниши мумкин. Бошқарув аъзосини чақириб олиш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарор Банк Кенгаши томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.
Банк Кенгаши Бошқарув Раиси ва унинг аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини, агар улар томонидан Банк Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эгадир.
- 2.20. Бошқарув Раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори ва моддий рағбатлантириш Банк фаолияти самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланган бўлиши шарт.

3. БОШҚАРУВНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

- 3.1. Банк Бошқарувининг ваколатларига Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 3.2. Банк Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) Банкнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
 - б) Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
 - в) Банк шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
 - г) Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
 - д) Банк Уставига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ва қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш;
 - е) ўз ваколоти доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Банк Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Банк Бошқаруви қарорига мувофиқ Кенгаш ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);
 - ж) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;
 - з) ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
 - и) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Банк ички ҳужжатларига риоя қилиш;
 - к) Банк томонидан депозит сертификатлари ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - л) Банкнинг корпоратив веб-сайтида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги талабларига мувофиқ мажбурий жойлаштирилиши керак бўлган ахборотларнинг юритилиши бўйича назорат олиб бориш;
 - м) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига ҳамда Банк ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 3.3. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Банк Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади:
- Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
 - Банкнинг заҳира ва бошқа жамғармаларини ишлатиш бўйича қарор қабул қилиш;
 - ўз ваколоти доирасида мол-мулк сотиб олиш ва тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш ва уларнинг муддатини узайтириш (қарор қабул қилинаётган санада умумий қиймати Банк жами капиталининг 15 фоизи ва ундан кўпроғини ташкил қиладиган битимлар ёки бир нечта ўзаро боғлиқ битимлар), шу жумладан корхоналарга кредитлар ажратиш (қарор қабул қилинаётган санада амалдаги Банкнинг Кредит сиёсати талабларига асосан);
- 3.4. Бошқарув аъзолари лавозим йўриқномасида белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк Кенгашининг, Бошқарувнинг қарорлари ва Бошқарув Раисининг кўрсатмалари доирасида иш тутади.
- 3.5. Алоҳида ҳар бир Бошқарув аъзоси ўртасида функцияларни Бошқарув Раиси тақсимлайди.

3.6. Бошқарув аъзолари:

- Банк Кенгаши томонидан аниқланган банк сиёсатларига риоя этишга;
- Банкнинг ички аудит хизмати томонидан ўтказилган текширувлар натижалари бўйича аниқланган камомадлар ва қонунбузилишларни ҳар чорақда кўриб чиқиш ва уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўришга;
- Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан ўтказилган ташқи аудит текширувлари ва инспекциялар ҳисоботлари (текширувлар) натижаларини батафсил таҳлил қилишга мажбурдирлар.

3.7. Бошқарув зиммасига Банк фаолиятини бошқариш учун алоҳида сиёсат турларини ишлаб чиқиш масъулияти юкланган. Жумладан:

- Банк кредит сиёсати;
- Банк ликвидлигини бошқариш сиёсати;
- Инвестиция сиёсати;
- Эмиссия сиёсати ва бошқа сиёсатлар.

Шу билан бирга, Банк Бошқаруви аъзолари Банк акциядорлари ва Кенгашининг ишончли шахслари ҳисобланади ва шу сабаб Банк ва унинг акциядорлари манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйишлари шарт.

4. БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ВАКОЛАТ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Бошқарув Раиси Банк фаолиятининг барча масалаларини унга берилган ваколатлар доирасида мустақил равишда ҳал қилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

4.2. Банк Бошқарув Раисининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) ўзининг ваколатлари доирасида Банкнинг ишига раҳбарлик қилади;
- б) Банк Кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- в) Банк номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- г) Банк мижозлари билан шартномалар ва контрактлар тузади;
- д) штатларни белгилайди, Банк ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- е) Банкларда вакиллик ва бошқа ҳисобварақларни очади;
- ж) Банкнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;
- з) Банк номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- и) Банк номидан Банк филиаллари раҳбарлари билан меҳнат шартномаларини тузади;
- к) Банкнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- л) ўз ваколати доирасида Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;
- м) амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, тегишли расмийлаштирилганлиги ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар

тақдим этилишини таъминлайди. Бошқарув Раиси йилнинг ҳар чорагида йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисида Банк Кенгашига ҳисобот беради;

- н) Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Банк аудитори талабига кўра тақдим этади;
- о) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
- п) Банк сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Банк Кенгаши томонидан белгиланади;
- р) хизмат, тижорат ва Банк сирини ташкил этувчи ахборотнинг Банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;
- с) Банкни малакали кадрлар билан таъминлайди, Банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўради;
- т) Банк ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлайди;
- у) Банк Акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди.

4.3. Банк Бошқарув Раиси мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
- Банк Устави ёки бошқа Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатларига амал қилган ҳолда Банк мол-мулки ва пул-маблағларини тасарруф қилади;
- Банкнинг Департамент, бошқарма, бўлим, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ишлашини таъминлайди;
- Банк шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;
- Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;
- Банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилади;
- Банк фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;
- Банк музокараларида Бошқарув вакилларининг иштирокини таъминлайди. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашади. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаради;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Банк Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;
- амалдаги қонун талабларига мувофиқ Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузади, Банк операцияларини бажаради;
- меҳнат ва ижро интизомини таъминлайди;
- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилади.

4.4. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий

ҳужжатларига ҳамда Банк ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

- 4.5. Бошқарув Раисининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари меҳнат шартномасида у билан олдиндан келишиб олинади.

5. ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА БАНК БОШҚАРУВИ БИЛАН КЕЛИШИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Бошқарув фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарорлари, Банк Акциядорлари умумий йиғилиши ва Кенгашининг қарорларида белгиланган вазифалар асосида ташкил топадиган йиллик иш режаси асосида олиб борилади.
- 5.2. Бошқарувнинг бир йиллик иш режаси қуйидагиларни ўз ичига олади:
- Бошқарув мажлисларини ўтказиш режаси;
 - Бошқарув мажлисларида Департаментлар, бошқармалар, филиаллар ва бошқа мустақил таркибий тузилмаларга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича мутасадди Бошқарув Раиси ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитиш режаси;
 - қўмита, комиссия ва Бошқарувнинг бошқа ишчи органларининг иш режаси;
 - Банк филиаллари бўйича Бошқарувнинг сайёр мажлисини ўтказиш режаси.
- 5.3. Бошқарувнинг иш режаси қуйидаги талаблар асосида шаклланади:
- Ислохотлар жараёнига тўсқинлик қилувчи муаммо ва камчиликларнинг сабабини мунтазам таҳлил қилиш;
 - Банк фаолиятидаги муаммоли масалаларни ечиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва истиқболдаги вазифаларни ишлаб чиқиш;
 - Банк фаолияти масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарорлари, Банк акциядорлари умумий йиғилиши, Кенгаши ва Бошқаруви қарорлари ижросини мониторинг қилиш.
- 5.4. Бошқарувнинг иш режаси Бошқарув Раиси томонидан тасдиқланади. Бошқарувнинг иш режасини тайёрлаш, ҳамда уларни бажарилишини назорат қилиш Бошқарув томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 5.5. Банк Бошқарувига Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Банк Устави, Банк Кенгаши тўғрисидаги Низом, ушбу Низомда белгиланган ва унинг ваколатларига кирувчи масалалар киритилади. Масалалар Бошқарув аъзолари, Департамент, мустақил бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари, филиал бошқарувчилари, алоҳида ҳолларда уларнинг ўринбосарлари томонидан киритилиши мумкин. Тақдим қилинган ҳужжатларни Бошқарув мажлисларида кўриб чиқиш учун, улар белгиланган тартибда, яъни Бошқарув баённомалари, локал ҳужжатлар (низомлар, тартиблар, қоидалар, буйруқлар, фармойишлар) лойиҳалари, уларни асослантирувчи ҳужжатлар билан: билдиришнома ва хизмат хати кўринишида тақдим қилиниши лозим. Бошқарув ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича келиб тушган мурожаатлар, Банкнинг таркибий тузилмаларига, уларнинг ваколатига кўра кўриб чиқиш ва чоралар кўриш учун юборилади.

- 5.6. Бошқарувга келиб тушадиган ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, киритиш вазифаси мазкур масалага масъул бўлган таркибий тузилма зиммасида бўлади. Ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ва Бошқарув муҳокамасига киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Банк бўйича иш юритиш тўғрисидаги Йўриқнома ва мазкур Низом талаблари асосида амалга оширилади.
- 5.7. Бошқарувга тақдим қилинадиган Бошқарув баённомалари, локал меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари аниқ, лўнда ифодаланиши, амалдаги қонунчиликка жавоб бериши, кўриб чиқиладиган масала объектив ва ҳар тарафлама таҳлил қилинганлиги тўғрисидаги маълумот бўлиши, бажарувчи олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйилган бўлиши ва уларни бажариш бўйича реал муддатлар белгиланган бўлиши керак.
- 5.8. Тайёрланаётган ҳужжат лойиҳаси Банкнинг локал ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни ёки уларни бекор қилишни талаб қилса, бу ўзгартириш ва қўшимчалар, ҳамда бекор қилиш тўғрисидаги таклиф тайёрланаётган ҳужжат лойиҳасига киритилади ёки ушбу ҳужжат билан биргаликда алоҳида ҳужжат лойиҳаси кўринишида ва унга илова қилинган изоҳ берилган ҳолда локал ҳужжатнинг амалдаги ва таклиф қилинаётган таҳрирда тегишли тахлилий жадвал кўринишида тақдим қилинади. Илгари қабул қилинган қарорлар бўйича бажарилмаган масалалар бўлган тақдирда, мазкур масалалар бўйича Бошқарувга буйруқ, фармойиш ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари киритилишига йўл қўйилмайди. Янгидан вужудга келган вазиятлар бундан мустаснодир.
- 5.9. Ишлаб чиқарилган ҳужжат лойиҳаларини келишувини амалга ошириш бўйича масъулият мазкур ҳужжат лойиҳасини Бошқарувга киритган Банкнинг тегишли таркибий тузилма бошлиғига юклатилади.
- 5.10. Ҳужжат лойиҳаларини Бошқарув аъзолари ва тегишли таркибий тузилма бошлиқлари (алоҳида ҳолларда – уларнинг ўринбосарлари) билан келишув қуйидаги муддатларда амалга оширилади:
- локал меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари бўйича – 5 календар кун ичида;
 - Бошқарув Баённомалари лойиҳалари бўйича – 3 календар кун ичида;
 - буйруқ ва фармойишлар лойиҳалари бўйича – 1 календар кун ичида (алоҳида ҳолатларда бу кунлар узайтирилиши мумкин).
- 5.11. Ҳужжат лойиҳаси бўйича бирон-бир таркибий тузилма томонидан эътирозлар бўлган ҳолатларда, ҳужжат лойиҳаси Бошқарувга таркибий тузилма бошлиғининг (алоҳида ҳолларда – унинг ўринбосари) имзоси қўйилган асосли ёзма мулоҳаза билан киритилади.
- 5.12. Банкнинг ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 апрелда 916-сон билан рўйхатга олинган “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом талаблари ва Банкнинг ички тартиб талаблари асосида амалга оширилади.
- 5.13. Мазкур Низом талабларига риоя қилинмаган ҳолда тайёрланган ҳужжат лойиҳалари Бошқарувга киритилишига йўл қўйилмайди.
- 5.14. Мазкур Низом талаблари асосида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқилади. Белгиланган муддат Бошқарув Раисининг қарорига асосан ўзгартирилиши мумкин.

- 5.15. Бошқарув мажлисига таклиф қилинган мансабдор шахслар рўйхати Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари томонидан белгиланади. Бошқарув мажлисига уларга тегишли масалалар бўйича департамент, бошқарма ва Банкнинг бошқа мустақил таркибий тузилмалари бошлиқлари, шунингдек касаба уюшмаси қўмитаси Раиси таклиф қилинишлари мумкин. Бошқарувнинг кенгайтирилган мажлислари ўтказилганда, мажлисга филиал бошқарувчилари, ҳамда зарур ҳолларда бошқа мансабдор шахслар таклиф қилиниши мумкин.
- 5.16. Бошқарув мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича Бошқарув аъзолари, департамент, мустақил бошқармалар ва бўлимлар бошлиқлари томонидан маъруза қилинади.

6. БОШҚАРУВ МАЖЛИСИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Бошқарув мажлиси зарур ҳолларда, лекин бир ойда камида бир марта ўтказилади.
- 6.2. Бошқарувнинг мутлақ ваколатига кирадиган масалалар коллегиял тартибда ҳал қилинади. Банк Бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.
- 6.3. Банк Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Банк Бошқарув Раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.
- 6.4. Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини Банк Кенгашига билдиришлари мумкин.
- 6.5. Бошқарув томонидан Банк Кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун киритиладиган масалалар Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилиши шарт (Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно). Бошқарув фикри Банк Кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси томонидан баён этилади ва ҳимоя қилинади.
- 6.6. Бошқарув мажлисини Бошқарув Раиси ёхуд кўриб чиқилаётган масалалар тегишлилиги бўйича унинг ўринбосарларидан бири олиб боради. Бошқарув мажлислари асосан ёпиқ ҳолда ўтказилади, керакли ҳолларда айрим масалалар бўйича Бошқарув мажлисларига Бошқарув аъзоси бўлмаган ёки таклиф этилган экспертлар ва мутахассислар овоз бериш ҳуқуқисиз таклиф этилиши мумкин.
- 6.7. Бошқарув мажлисида баённома юритилади, уларнинг бажарилишини мазкур масалага масъул бўлган таркибий тузилма бошлиғи таъминлайди, ижроси назоратини эса Банк Аппарати назорат қилади. Баённома раислик қилувчи шахс томонидан имзоланади.
- 6.8. Бошқарув котиби баённома мажлислари баёнлари юритилишини ташкил этади. Бошқарув мажлислари баёнларидан кўчирмалар:
- Банк Кенгашига ва тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига кўра тақдим қилинади;
 - бошқа мансабдор шахсларга ва аудиторларнинг талабига кўра фақат Бошқарув Раисининг рухсати бўйича тақдим қилинади;
 - амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилиши мумкин.

- 6.9. Бошқарув баённомалари уларни имзолаган кун билан расмийлаштирилади ва уларнинг нусхалари Банкнинг тегишли таркибий тузилмаларига (зудлик билан таништирилиши лозим бўлган ҳолларда – филиалларга) Банк Аппаратининг тарқатиш кўрсаткичига асосан юборилади.
- 6.10. Бошқарув қарорлари Бошқарув мажлисларининг ўзида ёхуд сўров тариқасида ҳам қабул қилиниши ва имзоланиши мумкин.
- 6.11. Бошқарув баённома қарорларининг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил қилиш қуйидагилар билан таъминланади:
- Банк фаолиятининг энг муҳим ва бирламчи масалалари бўйича чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - тасдиқланган муддатларда Банк ходимлари, мансабдор шахслар ва тегишли таркибий тузилмалар билан амалий чораларни амалга ошириш;
 - Бошқарув йиғилишларида филиаллар ҳолатини комплекс ўрганиш ва улар бўйича натижаларни кўриб чиқиш;
 - Бошқарув баённома қарорларида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган филиал бошқарувчилари, мансабдор шахслар ва Банк ходимларига нисбатан интизомий жазо ва моддий жавобгарлик чораларини кўриш;
 - Банкнинг назорат фаолиятини мувофиқлаштириш ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширилади.

7. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТЛАРИ

- 7.1. Бошқарув аъзолари биргаликда Банк манфаати учун ҳаракат қиладилар, Банк фаолиятини мустаҳкамлиги ва самарадорлигини таъминлайдилар, Банк фаолиятини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар, Бошқарув қарорларини, ҳамда Бошқарув Раиси топшириқларини бажарадилар.
- 7.2. Бошқарув аъзоси (аффилиланган шахс) Банк билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Банкни хабардор этиши шарт ва у қарор қабул қилинаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.
- 7.3. Бошқарув аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.
- 7.4. Бошқарув аъзолари Банк мол-мулкани тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.
- 7.5. Банк Бошқарув аъзолари ўз фаолияти давомида Банк хизматлари кўрсатишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси Банкда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида Банк Кенгашини хабардор қилмоғи лозим.
- 7.6. Банк Бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида Банкка етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига мувофиқ Банкка етказилган зарарни тўлиқ ҳажмида қоплаш бўйича масъулдирлар.

- 7.7. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.
- 7.8. Банк ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Банкка етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Банкнинг Кенгаш аъзоси, Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.
- 7.9. Бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.
- 7.10. Агар амалдаги қонунчиликка мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

- 8.1. Ушбу Низом кучга кириши билан, [“Асака” банк Акциядорлар умумий йиғилишининг 2012 йил 12 июндаги 01-сонли Баённомаси билан тасдиқланган ва 498-сон билан рўйхатга олинган ““Асака” банк Бошқаруви тўғрисида”ги Низом](#) ўз кучини йўқотади.

Киритилди:

Юридик бошқарма бошлиғи

М. Пулатова

Келишилди:

Бошқарув аъзолари:

Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари

Р. Касимов

Бошқарув Раисининг ўринбосари

О. Норинбаев

Бошқарув Раисининг ўринбосари

Д. Умаров

Бош бухгалтер

З. Галинова

Иқтисодий таҳлил, стратегик ривожланиш ва методологик ишларни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи

А. Бахромов